

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 141 (6. 630)

1988 йил 21 июнь, сешанба

Баҳоси 3 тийин



КПСС Марказий Комитетининг Тезислари — умумхалқ муҳокамасида

Менга сўз беринг

Газетамиз саҳифасида юқоридаги рубрика очилгандан буён редакция почтасига келаятган хатлар оқими янада кўпайди. Мақтуб йўллаган ҳар бир оқшомхон ўзининг фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлашга, кўпчилик билан муҳокама қилишга ошқоқмоқда.

— Партия конференцияси очилишига саноқли кунлар қолди, — деб ёзади Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ишчиси М. Холмуродов. — Шундай бўлсада барибир бизнинг фикр-мулоҳазалари-

миз албатта партия ташкилотларига, конференция делегатларига, конференция минбарига етиб боради, деб умид қиламиз.

РЕДАКЦИЯ ШАРҲИ: Шу ерда бир зум чекиниб қиламиз. Ўртоқ М. Холмуродов ташвишланмаса ҳам бўлади. Матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган ҳар бир фикр ва мулоҳаза албатта конференция минбарига етиб боради. Зеро, Тезисларда «Совет жамиятини қайта қуриш ва демократиялаш шароити

тида контролни ташкил этишни ленинча ғояларни тўла-тўқис мужассамлаштириш, контролга тўла таъсирчан куч бериш, уни ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, жамият барча табақалари намоёндаларининг давлат ва жамоат ишларини ҳал қилишда тўғридан-тўғри ва бевосита иштирокнинг қўроғига айлантириш зарур», дейилгани бежиз эмас. Матбуотда босилаётган ҳар бир мулоҳазани партия ташкилотлари кузатиб бормоқдалар, уларни тўплаб умумлаштирмоқдалар.

Советларнинг ролини оширайлик

М. Холмуродовнинг фикрига қайтамиз. У ўз хатини давом эттириб, шундай дейди: «Ҳақиқатан ҳам Тезисларда айтиб ўтилганидек биз Советлар фаолиятидаги жиддий камчиликларни, уларнинг ишдан меҳнаткашлар, сайловчилар қаноатланмаётганликларини кўриб турибмиз. Депутатларнинг роли пасайиб кетди. Улар сайловчиларнинг нақзалларини вақтида бажаролмаётганлар. Чунки маҳаллий Советларнинг моддий-материал имкониятлари пасайиб кетган. Ҳамон айрим ташкилотларда бюрократик кўринишлар устунлик қилади. Бу Тезисларда жуда ҳам ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтилган. Советларнинг ижроия органларига нисбатан чинакам устунлигини қарор топтириш пайти келди.

Лекин Тезислардаги битта гап мени ўйлантириб қўйди. Чунки, унда «Депутатларнинг бир қисми Советларда, доимий комиссияларда ва сайлов округларида иш олиб бориш учун сайлаб қўйилгандан бугун давр мобайнида ёки вақт-вақти билан хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларидан озод қилиниш лозимлиги, деб қўзда тутилсин», дейилган. Менимча, бунинг бошқа йўли бор. Советларнинг доимий комиссиялари қозғов-бозилдан воз кечини керак. Ана шундагина иш унумли ва фойдали бўлади. Депутатлик группалари фаолиятини бошлашда у аниқлаган камчиликларга қараб эмас, балки одамларга қандай амалий ёрдам кўрсатаётганлигига қараб баҳо-ланиши керак. Аёл депутатларимизнинг активлигини ошириш лозим. Тўғри, уларга қийин. Лекин қайта қуриш ҳаммамиздан янада унумлироқ, янада яхшироқ ишлашимизни талаб қилади.

— Депутатликка сайлашда ўзбекистонлик йўл қўймаслик керак. Бир неча депутатнинг номзоди қўйилсин. Уни янгириш овозда сайлашлик. Юқоридан ҳеч қандай кўрсатма берилмасин. Халқ ўз депутатини танлаб олсин, — деб ёзади оқшомхон, кўн-галантерея ва спорт бўюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматчиси Ж. Алиев. — Ҳаётимизга демократия ва ошқоралик принциплари қатъий кириб бораверкан, социал адолатни ҳар томонлама қарор топтиришимиз лозим. Партиямиз ана шу йўлни тутаяпти. Шунингдек бошқариш органлари лавозимларига кишиларин тайёрлашда Советлар территориясида жойлашган корхоналарнинг раҳбарларини сайлаш ҳам Советлар томонидан амалга оширилиши, доимий комиссияларнинг тегишли хулосасидан сўнг жорий қилиниши керак. Бизда бир-бирини қайтар-риш қўл. Райкомларда ҳам тегишли бўлимлар бўла туриб, район Совети ижроия комитетларида ҳам худди шундай бўлимлар мавжуд. Қайта қуриш даврида бу керакликан?

— Советларнинг ролини партия комитетлари ўз қўлларига олсин, — деб ёзади Тошкент политехника институти доценти Қ. Зухриддинов.

Улар район партия комитетининг руҳсатисиз бирор-бир иш қилишолмайди. Менимча, худди шу ердан Советлар ролининг пасайиши, мавқенинг тушиши бошланиётган бўлса керак.

Оқшомхонлар А. Алиев, Х. Рихсиев, Т. Қўчқоров ва бошқалар ҳам Советларнинг ролини ошириш, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, ортқиқа «идора зўравонлигидан» аҳоли манфаатларининг ҳимоясига бўлиб чиқишига имконият яратиш керак, деб ҳисоблашади. — Советларга реал ҳокимият ваколатларини қайтариш, давлат, ҳўжалик ва социал маданий турмушнинг қўндаланг бўлган барча масалаларини кўриб чиқиши ва ҳал этишни уларнинг ихтиё-рига бериш лозим. Ана шундагина биз Советларнинг роли ва ваколатларини тўла ҳажмда қайта тиклашга эриша оламиз.

Редакция почтасига келаятган хатлар жуда ранг-баранг. Улар ҳаётимизнинг барча қирралари-га тегишлидир.

— Бир пайтлари мураббийчилик ҳаракатига катта эътибор бериларди, — деб ёзади Тошкент тўқимачилик комбинати пардосида фабрикасининг назорат-сарафаш пехи партия ташкилот секретари Нина Федоровна Гаева. — Айни пайтда бу масалага эътибор сусайди. Ваҳоланки, ҳамма коллективларда ишга янги келаятган ёшлар кўп. Уларга мураббий қўли керак. Яқинда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида бу масала-ни биз атрофлича муҳокама қилдик. Мураббий-лик ишларини ташлаб қўйган ишчилар қаттиқ танқид қилинди. Йиғилишда «Ҳар бир комму-нист — мураббий» деган шioriни ўртага ташла-дик. Эндиликда партия тошпиринига эга бўлма-ган коммунистлар ҳам тошпиринга эга. Тезис-ларда мураббийчилик ҳаракати ҳақида фикр юритилмаган. Истиқомимиз, Тезисларнинг иккин-чи бағлида ёшларга касб-хўнари ўргатиш, улар-нинг маҳоратини ошириш, мураббийчилик ҳа-ракатини авж олдириш тўғрисида қонкрет фикр киритилса, бу айни мўддага бўлади ва комму-нистларнинг бу ишга бўлган масъулиятини яна-да оширади, деб ўйлайман.

— Мени бир нарсангандан буён ташвишга солмоқда. Бу ҳам бўлса ёшларимизнинг касб-хўнари танлашидир. Мана кооперативларга кенг йўл очилди. Бу ҳам мўл-кўчликлар гарови. Лекин кооператив ижориди остида мўлй даромад ортти-раётганлар ҳам йўқ эмас. Биргина умумий ов-қатланмиш шаҳобчаларини олайлик. Улар қўз-қориндек қўйиб кетди. Ошқоналарда санита-рия-гигиена қондаларига риоя қилинмайди. Хў-рандалар учун шaroитлар етишмайди. Овқатнинг нархи эса жуда қimmat. Оданим қақиб олади. Олдин ишчи кооперативда тўғиб овқатланолмай-ди. Бунинг устига-устак енгил-елли ҳаётга ўрга-ган айрим ёшлар уларнинг кооперативларга уришмоқда. Пул тошпирини осон йўлни қиди-роқмоқдалар. Улар ўрин завод ва фабрикаларда эмасми? Ана шунга қўйиб кетаман. Мен йигирма саккиз йил қурилишда меҳнат қилдим, одамлар-га қувонч улашдим. Ўтган умримдан беҳад хур-сандман. Аммо қўли эгриларни, текнитомақлар-

ни кўриб асло чидаб бўлмайди. Ундайлардан ҳар биримиз нафратланганимиз, уларга қарши курашимизимиз керак.

Ҳамшаҳримиз — 2-Қорақамиш массивининг 2-микрорайонидаги 2-уйнинг 16-квартирасида истиқомат қилувчи, II группа инвалиди Ортиқ Қорабоев кўпчилиكنинг дилидаги сўзларни ёза-ган. Ҳақиқатан кўпчилик ёшларимиз ўзларини енгил-елли ҳаёт кеңиришга урмоқдалар. Бирор-бир савдо дўконига кириб қолсангиз, келбатидан от хўркийдиган савлатли йигит «Сизга нима керак» дея аёлларнинг ички кийимини сотиб турганига нима дейсиз? Бундайларга эркакнинг обрўсини тўкма, эркакча иш қилгин деб ҳайқир-нинг келадми...

Юқориди айтиб ўтганимдек, редакцияга кела-ётган хатлар жуда хилма-хил. Уларнинг ҳар би-ри кишини ўйлантириб қўяди. Бу хатларни ўқи-ганимдан кейин қайта қуришга бўлган муноса-батинг ўзгаради. Чиндан ҳам қайта қуриш ке-раклигига, унинг зарурлигига ишонч ҳосил қила-сан. Ҳаётимизни вена томирини деб ҳисобласак, қайта қуриш танамиздаги қон каби ҳар бир ка-пиллярларимизга кириб бормоқда. Тўғри уаста секциялик билан кириб борапти. Лекин биз ҳар биримиз уни жадаллаштиришимиз, қайта қуриш-га ҳисса қўишимиз керак. Зеро, ҳар бир ком-мунистнинг, ҳар бир кишининг иши ана шу нуқ-тан назар билан белгиланади.

— Баъзи ўринсиз сарф-харажатлар, айниқса диний урф-одатлардаги сарфатлар ўрнига янги-ча, замонавий, инсонийликка хос ва мос бўлган тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати қаттиқ сезил-моқда, — дейди биз билан бўлган «Ишончли мулоқотда» этироф-олим Билал Аминов. — Ўлим ҳақ. Ундан қониб кутулмайсиз. Лекин бу масалада кўпчиликнинг боши қотиб қолмоқда. Бошига мусибат тушган оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш томоқларини йўлаб кўрайдиган вақт келмадимики? Бизнингча келди. Олим ана шу мавзуга бағишлаган ўзининг ян-ги мақоласини бизга тақдим этди. Келинг, биз бу ҳақда гапиринча шойишлайлик. Газетамиз-нинг яқин сонларидан бирда олимга сўз бера-миз. У ана шу урф-одатлар ҳақида қайта қуриш фикрлари билан ўртоқлашади.

Хатлар... Қўнғироқлар... Уларнинг ҳар бирининг ортида инсон бор. Шунин- ниси қувончлик, редакцияга мурожаат қилаётган ҳар бир киши КПСС Марказий Комитетининг Тезисларини яқиндлик билан қўла-лаб-қувватлаётганлигини, ундаги фикрларни амал-га ошириш жуда ҳам муҳимлигини айтмоқдалар, коммунистларимизнинг саноқли қувлардан сўнг очилмайдиган Бутуниттифок XIX партия конфе-ренциясидан катта умидров эналликларини изҳор этмоқдалар. Биз аминимизки, конференция ми-нбаридан қайта қуриш шабадаси янада илдамроқ-эса бошлайди. У Ватанимизнинг ҳамма бурча-к-бурчакларига етиб боради...

Т. ТОШЕВ,

«Тошкент оқшомин» мухбири.

Ўқитувчи номини пок бўлсин

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида қуйи-даги сатрлар бор: «Сибстатимизнинг инсонларарлик принциплари жамият маънавий тарихийлигини, халқ маорифи ва маданиятини юксалтиришни таъмин-лашга қаратилгандир...» Бу фикрлар дастлаб ёш ав-лод тарбиясига — ўқитувчилар зиммасига алоҳида масъулият қўйлади.

Қайта қуриш мактабдан бошлангани керак. Чунки янги инсон оқимини шакллантирмай туриб, янгила-ниш асло мумкин эмас. Мактабда янги инсон оқ-имини эса ўқитувчи қамолга етказад.

Кейинги пайтларда матбуотда ўқитувчининг роли, ўқитувчи маданияти ҳақида кўп фикр юритилляпти. Минг афсуски, ҳали ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам партия кўрсатган иккиқилиб ишни охиригача тушу-ниб олганларин йўқ. Сабаб, кўпчилик ўқитувчилар ўша турғунлик давридаги эскича усул билан ишлаб келмоқда.

Ушунки синф ўқувчиларида бундан йилгирма йил аввал ёзилган адабиёт дарслигидан ва концептга қараб сўзлаб бериш, лекция ўқиш билан адабиёт фанига ҳавас уйғотиб бўлмайди. Ёзувчи ижодини ўрганишда дарслик билан кифояланиб қолмаслик керак. Чунки ўқувчининг ўзи ҳам у ёки бу темани китобдан ўқиб, ўрганиши мумкин. Адабиёт ўқитувчи-си китобда йўқ янгиликларни болага берсин, айт-син. Моҳир новеллист Абдулла Қаҳҳорнинг 30-йиллар ижодини ўқишдан олдин ўқитувчи ёзувчи-нинг замонадошлари хотирасини ўқиб, ўрганиши ке-рак. Лидия Батининг «Мен Чеховдан ўрганганман», Иван Ленин «Дўстимнинг хотираси» мақолалари-ни ўқимаган ўқитувчи Абдулла Қаҳҳорнинг 30-йил-

лар ижоди ҳақида ўқувчиларга аниқ ва мукаммал тушуна беришолмайди.

Адабиёт — ҳаёт дарслиги. Адабиёт ўқувчида ҳис-туғйу уйғотади. Ҳар бир ўтилган янги тема унинг юрагига, онига таъсир қилиши керак. Бу ўқитувчи-нинг маҳоратиға болжик. Менимча, ада-биёт ўқитувчиси чуқур тушуначчи бўлишга эга бўлиши керак. Тарихдан хабари, тушунасчи бўлма-ган ўқитувчи XI—XII асрлар маданий ҳаёти ва аде-биёти — архитектура, наққошлик ва тасаввир санъ-ат, музика, иллюстрация соҳасида ўқувчиларга нима бе-ра олиши мумкин?

Дарсда ёшларга адабиёт фанидан тарихий темалар ўқитишнинг ҳам тарбиявий аҳамияти катта. Масе-лан, «Қўтлуг қон», «Моҳробдан қаё» асарларини ўқитганимизда ўқувчиларга асар воқеаларининг Тош-кентда, Қўқонда бўлиб ўтганини айтмасми-у, ўзимиз яшаб, ўлғайиб волега етган она қишлоғимиз, она шаҳримиз ҳақида пом-мом демаслигимиз кеңири-лас қолдир. Биз, дарс жараёнида яқини қисмдан кейин ўзимиз яшаётган қишлоқ ва шаҳарлардан бошлаб, ариқ, дарё, тепаликлар, тарихий бинолар, тарихий шахслар, уруш ва меҳнат ветеранлари, қай-та қуришда фаол қатнашаётган шижоаткорлар ҳа-қида гапириб, бу ерларда ўтмишда қандай воқеалар бўлиб ўтганини, кимлар яшаганини билиб келишни ўқувчиларга вазифа қилиб тошпиримиз керак. Са-баби, ўқувчи ер тарихини билса халқ тарихини, ўз тарихини билади. Бунда катта маъно бор. Ҳозир бу ҳақда марказий газеталарда ҳам материаллар, аритилмоқда. Ўқитувчиларимиз дунё тарихидан, Итти-фоқимиз тарихидан озми-кўпми хабардор, лекин ўз

қишлоғи, овули, шаҳри тарихини билмайди. Ўз та-рихини, таниш-билишини, қўни-қўшинсини яхши бил-гани шогирд, Ватанини, халқини чин қўнгилдан се-вади. Халқини, кишилик қони тўқилган она замин та-рихини билмаган ўқувчи ҳеч кимни, ҳеч нимани сева-майди.

Биз 1987—88 ўқув йилидан бошлаб янги тақомил-лашган программа асосида дарс ўятамиз. Аммо, дарсликдан дарак йўқ. Дарсликни дарс ўқишни ҳа-қилгича келтириб қўринг-а! Майли, бу бахона эмас. Ўқитувчи иллануван, илдоқор бўлиши керак! Ма-салан, 6-синфда И. Шамякиннинг «Он» ҳикоясига 2 соат, 10-синфда Б. Брехтининг «Кураж она ва унинг болалари» асарини ўрганишга 2 соат ажра-тилган. Ўқитувчи «Он» ҳикояси ўрнига «Пахта — ризқ-рўзимиз», «Кураж она ва унинг болалари» асари ўрнига Комил Яшиннинг «Нурхон», «Ўлсар» дра-маларини ўқиши мумкин. Бу билан ҳато иш қилма-дигиз. Утмасдан ёзиб қўйиш — бу жиноят!

Утмасдан ёзиб қўйиш, ўқувчининг бўш вақтини ўғирлаб, дафтардан, китобдан ўқиб ёки қуруқ кон-цепт ёздириб ўқитувчининг обрўсини туширади. Ўқувчининг лақаб қўйиш, менсимаслиги ўқитувчи-нинг қўбилиятсизлигидан, дарсга тайёргарлик кўр-май келганининг оқибати.

Ҳа, қайта қуриш даврида инсонларни маънавий меҳруф қилувчи ўқитувчиларга ўрин йўқ! Мен КПСС Марказий Комитетининг Тезисларини ўқиб шундай хулосага келдим.

Қидирбўй Тўлабоев,


Тошкентдаги 230-мактабнинг методист-ўқитувчиси.

«Советлар ролини кескин ошириш заруратини ҳисобга олган ҳолда сайлов системасини ислоҳ қилиш керак бўлади. Бу ислохотнинг мақсади — депутатликка номзодларнинг эркин кўрсатилишини таъминлаш, уларнинг меҳнаткашлар йиғилишларида, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинишидир».

(КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифок XIX партия конференциясига Тезисларидан).

ЗАМОНДОШИМИЗ

Бутуниттифок XIX партия конференцияси делегатлари



Йўллар Москвага боради

У умри бино бўлибдики, йўлда, тагида — машина. Олдинлари район маданият бўли-мида шофёрлик қиларди. Кейин район ик-кига бўлиниб кетди: ундан Собир Раҳимов райони акраблиб чиқди.

Ҳаётда қўнчиқа шундай бўладики, (ай-ниқса шофёрлар ҳаётида бу ҳол кўп уч-райди) машинада у олиб юрадиган яхши раҳбар бошқа нота ўтиб кетади. Бу, шофёр учун кутлматга, нота ахирлари бўлса ҳам ҳар ҳолда шофёр машинасиз қолмайди-ю, алмо — анчагача кўнқоқмай юради. Ма-зкур район ҳам иккига бўлиниганда қўнқиб бўлди. Октябрь районидагилар машина биз-да қолсин, дейишса, Собир Раҳимов райо-нидагилар шофёр бизга ўтсин, деб туриб олишди.

Йўлдошнинг боши қотиб қолди. На эски раҳбарнинг қозидан ўтиб бошқа райonga ке-тишини ва на машинадан воз кечишини билмай қолди. Оро йўлда қолган Йўлдош бунинг «Йўл»ини топди — уяммас, бўяммас шартта «Главатшассавтотранс» ишлаб чиқариш бошқармасининг 2-автокомбинати-га ишга кирди. Ким билади, агар район иккига бўлиниганда у халигача маданият бўлимининг ўша машинасида юрган бўлар-миди?..

Бунинг эслатишдан мақсад — биз шу ўрин-да бир муҳим фикрни ўртага ташламоқчи-миз: одатда, баъзи ёшлар ҳаётда дарров

енгил йўл излашади, оғир ишларга бўйин-ларни учалик ёр бермайди. Катта корхона-ларга киришдан негадир чўчишади. Йўл-дош ҳозир автокомбинатга ишга кирганига сира-сира афсусланмайди, асинча — жуда тўғри иш қилган эканман, деб ҳисоблайди. Негаки катта, «юки оғирроқ» корхоналар-да ҳалол, виждонли бундай одамлар тез қўзга ташланадиган ва иззат-ҳурматга са-зовга бўладилар! Асинча, майда-чўйда бўлмагур «чет ишлар» кетидан қўнган одам ўз умрини шамчироққа парвона қапа-лакдек ҳароб қилади.

— Утган ўн етти йилда комбинатда иш-лаб кам бўлганим йўқ, — дейди Йўлдош Акбаров биз билан суҳбатда қўнқидилини очиб, — шундан ўн уч йилда бригадирлик қилиб келаяман. Мана, катта ишонч билди-ришиб, Бутуниттифок XIX партия конфе-ренциясига делегат қилиб сайланди. Оқи-га, оқиди таски ҳайдовчи учун бундан кат-та, яна қандай бахт бўлиши мумкин!

© СУРАТДА: Бутуниттифок XIX партия конференциясини делегати, такси ҳай-довчиси И. Акбаров.

Т. Каримов фотоси.

© Йўлдош Акбаров билан шаҳар бўйлаб тақсид қилинган суҳбатни газетанинг 2-сиф-фасида ўқисиз.

Миш-мишлар ва ҳақиқат

Шу кунларда ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Оқшом» редакциясидаги телефонлар тинимсиз жингиллаб турибди. Дарслик барча қўнқоқ қилганларни: туз, совун, гугурт сав-доси билан нима бўлди, нега магазинларда уларни қўллаб сотиб олинмапти, наҳотки ана шу махсулотларни етказиб бе-ришда танқислик рўй берган бўлса, деган бир савол қизқити-ради.

Кеча Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетда шойишлик кенгаш бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар Совети ижроия коми-тетини биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев олиб бор-ди. Кенгашдан сўнг биз Эрнест Алиевга мурожаат этиб, мазкур ҳолини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Чиндан ҳам сўнги бир неча кун ичиде шаҳарликлар еппасига туз, гугурт, совун сотиб ола бoшладилар, савон- ли соатлар ичиде қўнғима ма- газинлар ўз запасларидаги ана шу махсулотларни сотиб тугалледилар, — деди у. — Аммо бу юқориди айтиб ўтил-ган товарларни савдога етказ-иб бериш қайта тикланимай, у ёки бу қийинчилик муноса-бати билан уларни етказиб беришда узинлиқлар бўлиб ту-ради, деган маънони билдир-майди. Туз қазиб олиш, гу-гурт, совун ишлаб чиқаришда ҳеч қандай қийинчиликлар йўқ. Ҳозир ана шу товар-ларни реализация қилиш илг-авидан ошиб кетди. Улар-ни магазинларга тез ва муқта-зам келтириб туриш мақсади-да ҳатто қўнчиқа автомобиль транспорти ажратилган.

Бунинг устига узок мuddат савлаш учун совунни сотиб олишининг ўзи бўлмагур нарсa, Ҳарорат юқори бўлса у тезда қотиб қолади, паст ҳароратда эса эрий бошлайди, шундай қилиб асте-секин у ўз хусусият-ларини йўқотмайди. Тўғри, туз ўз хусусиятини йўқотмайди.

Билдириб мумкин. Уйлайман-ки, тўз-тўполонга «танқис» деб эълон қилинган товарларни реализация қилиш жараёнини бошқарувдан чиқарувчи миш-мишлар сабаб бўлапти.

Соғир бўлаётган воқеаларда савдо ходимлари ҳам бир че-када кузатувчи бўлиб қолмас-ликлари керак. Улар харидор-ларга ҳаққоний аҳоли ишонар-ли равишда тушунтиришлари, савдо жараёнини бошқариш-нинг ўзига ҳок бўгани вазифа-сини ўташлари керак.

1987 йилги реализация ҳажми			
	план аспида	Фарқи	1988 йил 1 январга қолдиқ
кир совуни [тонна ҳисобда]	6670	7172	899
қўл совуни [тонна ҳисобда]	1666,4	1712	368
гугурт [шартли яшчиларда]	124000	106300	33929
туз [тонна ҳисобда]	11280	10937	2980
шакар [тонна ҳисобда]	39412	40521	5901
1988 йилги реализация ҳажми			
	йиллик план	беш ойлик план	аслида 5 ой ичиде
кир совуни [тонна ҳисобда]	6765	3642	3252
қўл совуни [тонна ҳисобда]	1820	726	750
гугурт [шартли яшчиларда]	137000	29700	30200
туз [тонна ҳисобда]	11030	4416	4459
шакар [тонна ҳисобда]	40785	15318	16385,7

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЦИРК ҚАЕРГА

КЕТГАН?

ЦИРК — БУВИЖОНИМИЗНИНГ ХОНАСИДА ГАС-
РОЛДА ТОМОША ДАВОМ ЭТМОҚДА... АҚЛЛИ ХАЙ-
ВОНЛАР ҲАМ САНААТИНИ КҲЗ-КҲЗ ҚИЛМОҚДА:
КУЧУКЛАР ҲАМ САНААТИНИ АНИҚЛАР ОРҚА
ОЕҚЛАРИДА ЮРАДИ. ДАХШАТЛИ ЙЎЛБАРСЛАР
ВА АРСЛОНЛАР ЭСА ХАЛҚАДАН САКРАБ ЭТАДИ-
ЛАР.

Бу ҳайвонларнинг ўргатувчиси — ясаган-тусанган
қўғирчоқ Аня бўлади. Доно мушук Василий эса — унинг
қўмақчиси.

Болакайлар — буюк ҳайларастлардир... Бунда улар-
ни раббатлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Бола ўйин
орқали фикрлашга ўрганади, ўйин орқали атроф-муҳит,
ташқи дунё билан танишади.

ФАРЗАНДЛАРИНИГИЗИ ЕТАКЛАВ

«ТАШКУЛЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА КЕЛИНГ.

Бу ерда кичкинтойлар ўз «цирки»ни янги-янги артист-
лар билан тўлдириб бориш катта аҳамиятга эга. Бола ўйин
орқали фикрлашга ўрганади, ўйин орқали атроф-муҳит,
ташқи дунё билан танишади.

«ТАШКУЛЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ- НИНГ АДРЕСЛАРИ:

- 11/1-магазин — Госпиталь бозори;
- 13-магазин — Майна Ҳасанова кўчаси;
- 17-магазин — Паркент бозори;
- 16/1-магазин — Сергели;
- 9/1-магазин — Олой бозори;
- 15-магазин — У. Юсупов кўчаси, 95-уй;
- 9/3-магазин — Юнусовод массиви, 4-квартал.

«ТАШКУЛЬТОРГ».

ТОШКЕНТЛИКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«ИРРИГАТОР» ЧОРЛАЙДИ

СУВ ҲУЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ХО-
ДИМАРИНИ УЯ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ
МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН «ИРРИГАТОР» УЯ-
ЖОЙ ҚУРИЛИШ КООПЕРАТИВИ ҚУЙИДА-
ГИЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
Кооператив аъзоларига кооператив уйга
эга бўлишни истаган ҳар бир тошкентлик
(қарда ишлашдан қатъий назар) аъзо
бўлиши мумкин.
Тошкент шаҳрида пропискада бўлган ва
кооператив квартира олишни хоҳлаганлар

қуйидаги адресга мурожаат этишларини
сўраймиз:
Собир Раҳимов район, Библиотечная кў-
часи, 3-уй, «Пахтакор» метростанцияси-
дан юрғич 42, 93-автотўсиларининг «2-Тур-
руқхона» бекати.
Қабул кўни — шанба (10.00 дан 14.00
гача).

«ИРРИГАТОР» УЯ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КООПЕРАТИВИ.

ҚУЛАЙЛИК

УЙЛАРИ ПЕЧКА БИ-
ЛАН ИСТИЛАДИГАН
ШАҲАР АҲОЛИСИ
МАРКАЗЛАШГАН
УСУЛДА УЙЛАРИГА
КЎМИР ЕТКАЗИБ
БЕРИЛИШ УЧУН
БУЮРТМА БЕРИШЛАРИ
МУМКИН.

Аҳолидан
БУЮРТМАЛАРНИ
«ТАШТОПЛЕССТРОЙ-
ТОРГ»нинг
ЕНИЛГИ ОМБОРЛАРИ
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
ЕНИЛГИ ОМБОРЛАРИ-
НИНГ АДРЕСЛАРИ:

- 1—Ипподром кўчаси, 2-
проезд (телефон: 91-39-85);
- 2—Уста Ширин кўчаси,
136 (телефон: 48-25-82);
- 3—Сергели массиви — са-
ноат зонаси (телефон: 58-96-
38).

КОЛЛЕКТИВ БУЮРТМА-
ЛАР 1988 ЙИЛНИНГ 1
СЕНТЯБРИГА ҚАДАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
«ТАШТОПЛЕССТРОЙ-
ТОРГ».

ҲАМ УЙ, ҲАМ ҲОВЛИ УЧУН

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министриянинг
ТОШКЕНТ БАДИИЙ БУЮМЛАР
ФАБРИКАСИ
ОШХОНА ВА ЕТОҚХОНА
УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН
ДАСТУРХОН ВА ҚЎЛ СОЧИҚЛА-
РИ, ҚЎРПА-ТЎШАК ВА ЕСТИК
ЖИЛДЛАРИНИ, ЧОЙШАБЛАРИНИ
ТАВСИЯ ЭТАДИ

УЙ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН БУ-
ЮМЛАР ҚОРДЕК ОППОҚЛИГИ,
КАШТАЛАР ТИКИЛАНЛИГИ БИ-
ЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

ДАЛА ҲОВЛИ УЧУН МЎЛЖАЛ-
ЛАНГАН БУЮМЛАР ҲАМ ЭЗИГА
ХОС.

ҚАЛИН МАТОДАН ТИ-
КИЛГАН ОШХОНА КОМ-
ПЛЕКТИ ЗАНГОРИ ГҮЛ-
ЛАР ЧАМАН ОЧИЛГАН
ОППОҚ ДАЛАНИ ЭСЛА-
ТАДИ. ДАСТУРХОН ВА
ОЛТИ ДОНА ҚЎЛ СОЧИҚ-
КА АНИМАНДИГАН
РАНГИ ИП БИЛАН КАШ-
ТА ТИКИЛГАН.

ТАБИИЙ ИП-ГАЗЛАМА-
ДАН ВА КАНОПДАН ТИ-
КИЛГАН БУЮМЛАР НИ-
ХОЯТДА ПИШИҚЛИГИ,
АЖОЙИБ ГИГИЕНИК ХУ-
СУСИЯТЛАРИ БИЛАН
АЖРАЛИБ ТУРАДИ.
УЛАРИНИ СУВДА ҚАЙНА-
ТИШ, КИР ЮВИШ МА-
ШИНАСИДА ЮВИШ
МУМКИН.

ҚЎРПА-ТЎШАК ВА ЕС-
ТИК ЖИЛДЛАРИНИ,
ЧОЙШАБЛАРИНИ, БЕЖИ-
РИМ КОМПЛЕКТЛАРИНИ
СИЗ


«ТАШГАЛАНТЕРЕР-
ТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ-
ДАН

ХАРИД
ҚИЛИШНИНГ
МУМКИН.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛ-
МИЙ-ИШЛАБ ЧИҚА-
РИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.



Тошбақа ҳой, тошбақа,
Эмассан-ку тошбақа?!

Т. Каримов фотоси.

Июнь ойининг биринчи яр-
мида энг кўп жиноят Чилон-
зор, Қўйбўйе, Собир Раҳимов
ва Акмал Икромов районла-
рида қайд этилди.

Квартираларга ўғирликка ту-
шиш шаҳарда жиддий пробле-
ма бўлиб қолаётган. Бундай жи-
ноятлар айниқса, Қўйбўйе,
Фрунзе ва Чилонзор районла-
рида кўпалаб содир бўляпти.
Автомобилтранспорти воситала-
рини олиб қочиш кўпроқ Киров,
Чилонзор, Сергели ва Ҳамза
районларида кузатилаётган.

Давлат мулкнинг дахлсизли-
ги етарли даражада таъмин-
ланмаганлиги оқибатида соци-
алистик мулкка таъвоуз қилиш
ҳолларининг яримдан кўпи
Киров, Сергели ва Собир Ра-
ҳимов районларида қайд этил-
ган.

Жиноятнинг безорилик ва
тан жароҳатини етказиш каби
кўринишлари кўпайиб бораёт-
ганлиги ҳам таъминланмаётган-
лиги бундай воқеалар кўпроқ Ки-
ров, Чилонзор, Акмал Икром-
ов, Ленин, Ҳамза ва Собир Ра-
ҳимов районларининг терри-
торияларида қайд этилмоқда.

Автомобилтранспорти восита-
ларини олиб қочиш ҳолларининг
тахлили шуни кўрсатадики, кўп-
чилик шахсий машинасининг қи-
ровсиз ташлаб кетади, олиб қо-
чишга қарши махсус мосламалар,
турар жой массивларида, айниқса,
бунёд этилаётган ян-
ги ўй-жой массивларида пулли
транспорт бекатлари етishмай-
ди. Машиналар энг кўп тўпла-
надиган ерларда (бозорлар,
савдо марказлари, йирик кор-
хона ва таъминотлар олдиди)
қиёсқа муддатта қўйиладиган
автомобиль бекатларини таш-
кил этиш лозим.

Шароит Фарҳод ва Олой бо-
зорлари районига жойлашган
пулли автомобиль бекатлари
сигналин кенгайтиришни тақо-
зо этмоқда. Ҳамза районига-
да «Ҳамза» 40 йиллиги мас-
сивида, Киров районига-
да Юнусоводнинг 16, 17, 18, 19-
кварталларида, бошқа жамоат
ва турар жой микрорайонлари-
да пулли автомобиль бекатла-
ри қурилиш лозим.

Квартира ўғирликларининг
катта қисми — 85 проценти
кундуз кўни, 14 процентдан
зиёроғи тунда содир этилган.
Ҳар икки ўғирликдан бири
эшик ёки қўлф зўғирини бузиб
кириш йўли билан, 10 процент
дан зиёроғи мос қалитни то-
пиш, очиб қолган эшик ёки
даразадан кириш йўли билан
содир этилган.

2 июнь тунда Фрунзе рай-
онининг Ш. Руставели кўча-
сидаги 132-уйда жойлашган 3-
проект пунктдан телевизор
билан магнитофонни ўғирлаган
Сергели ва Ҳамза массив-
ларида истиқомат қилувчи жи-
ноятчилар қоний кўтула олма-
дилар.

3 июнда ўтар кечаси Ок-
тябрь районига «Марказ-27»
кварталда жойлашган амалий
санъат экспериментал жиддий
компанети хонасидан жиноят-
чилар эшикни бузиб, диопри-
бор, телефон аппарати ва
«Электроника» маркали элек-
трон-ҳисоблаш машинасини
ўғирлашган.

Пухта қоровуллик таъмин-
ланмаганлиги натижасида 4
июнда ўтар кечаси 127-авто-
транспорт корхонасининг Ко-
расарой кўчасидаги автозап-
равка хонасидан АИ-76 мар-
кали 4 минг литр бензин тало-
ни, 27-25 номерли Кама-3-5511
автомашинанинг тутқичи би-
лан кўзгуси, вентиляторни, ҳай-
довчининг ҳўжонатлари ўғирлан-
ган.

В. П. Чкалов номидаги
Тошкент авиация ишлаб чиқ-
риш бирлашмасининг Ворос-

ЖИНОЯТ СОДИР БҲАДИ

Кий кўчасидаги 156-цехи хиз-
мат хонасидан ўғирланган 4
кондиционер, 19 стул, 7 дар-
парда ва телефон аппарати
корхонага қайтарилди. Аниқ-
ланишича, ана шу ўғирликни
мазкур бирлашманинг икки
ҳайдовчиси содир этган.

2 июнь кечки пайт Кабул-
ков кўчасидан 70—80 ТНЕ но-
мерли М-412 автомашинаси
олиб қочилган.

3 июнда Бешёғоч кўчаси-
даги гастроном олдидан 03-56
ТШУ номерли кўк ранг М-412
автомашинаси олиб қочилган.

10 июнь кундуз кўни Кали-
нин майдонига жойлашган
«Гулистон» ресторани олдидан
оқ рангданги 84-10 ТНХ номер-
ли М-412 автомашинаси олиб
қочилган эди. Машина кейин-
роқ Бешёғоч массивидаги 17-
уй олдидан топилди.

1 июнь тунги пайт Чилон-
зор массиви 13-кварталдаги
квартиралардан бирининг эши-
ги очиб қолганлигидан фой-
даланган номаълум киши-
лар «ВЭФ-202» транзисторли
радиоприйманингини, болалар
кресловаси ва спорт шимини
ўғирлашган эди. Қўрилган чо-
ра-тадбирлар натижасида ана
шу жиноятни содир этган То-
жикистон ССР Қорақум шаҳ-
рида истиқомат қилувчи И.
Юрченко, А. Клепов ва Ф.
Орипов қўлга олинди.

Фрунзе районига истиқо-
нат қилувчи 1914 йилда ту-
тилган П. Г. Сафарова май
ойининг бошларида уйдан
чиқиб кетиб, дом-дараксиз йў-
қолган эди. Ана шу кампир 10
июнь кўни «Жанубий» темир-
йўл вокзали районидан топил-
ди.

ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

4 июнь эрталаб номаълум
шахслар дори топириш баҳо-
наси билан олдидан телефон
қилиб, Юнусовод массивининг
4-кварталдаги квартиралардан
бирига киришган, пичоқ ўқта-
либ ва дўқ-пўнса қилиб, пул
ва заргарлик буюмларини олиб
кетилган.

Жиноятчиларнинг белгилари:
Биринчиси таъминдан рус бул-
са керак, 20—25 ёшларда, бўй
160—165 сантиметр, гавда
тузиллиш ўртача, бошида тў-
қилган ҳаворанг спорт шапка-
си бўлиб, эски ҳаворанг жинси
шим, зангори, енг калта қўй-
лаб кийган эди. Эъини «Сла-
вик» деб таништирган.

Иккинчиси рус, 20—25 ёш-
ларда, бўйи 180 сантиметр, соч-
лари жангаранг, тўқ рангданги
шим, зангори, енг калта қўй-
лаб кийган эди.
Учинчиси русга ўхшаб кетади,
17—20 ёшда, бўйи 165—170
сантиметр, сочлари сарғиш,
жингалек, юзи қўзичоқ, кўз-
лари киртайган, камарли қай-
моқ ранг шим, чўнтагида тим-
соҳ расми тикилган ҳаворанг
йўл-йўл қўйлаб кийган эди. Эъин
«Вадик» деб таништирган.
Мазкур жиноятни улар ниқоб
қилиб содир этишган.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» нинг нав-
батдаги соин 23 июнда чиқади.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА

Тез кунда

Вильям Шекспир асари.
Жамол Камол таржимаси.

«Кориолан»

(икки пардали фонола)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хиз-
мат кўрсатган санъат арбоби РУСТАМ ҲАМИДОВ.
Саҳналаштирувчи расом — АНАТОЛИЙ ЖИБЕДОВ.

Композитор — НУРИЛЛА ЗОКИРОВ.

Костюмлар бўйича расом — КРИСТИНА САМОНЧИК.

Жанглари саҳналаштирувчи — Қорақалпоғистон
АССР да хизмат кўрсатган артист, доцент АРСЕН
ИСМОЙЛОВ.

БОШ РОЛЛАРДА:

СССР халқ артисти Зикир МУҲАММАДЖОНОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти-
нинг лауреати Ёкуб АҲМЕДОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўз-
бекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Эркил МА-
ЛИКБОВЕВА;

Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреатла-
ри: ТЕША МҲМИНОВ, САИДКОМИЛ УМАРОВ ва бош-
қалар.

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССР халқ
артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат муко-
фотининг лауреати Л. ФАЙЗИЕВ.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БҮРОСИ

26 июндан 8 июлгача

АВТОБУС БИЛАН «ИССИҚ КҮЛ» ДАМ ОЛИШ ЗО-
НАСИГА МАРОҚЛИ САҒАРГА

Таклиф этади

Путёвканинг тахминий баҳоси — 180 сўм.

Қишлоқ типидан меҳмонхонада ётиб, хусусий уй-жой
секторига яшаб турилади.

Дам олиш зонасига бориш ва қайтиш, овқатланиш,
жойлашни, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари
путёвка қийматига қиради.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат
қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй,
5-хона.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БҮРОСИ



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг

«ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА

бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

радиоэлектрон аппаратураларни бошқарувчилар, соз-
ловчилар, монтаж қилувчилар.

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР ЗАВОДИГА

бош бухгалтер ўринбосари, цех бошлиғи, бош метро-
лог, полиграфия ишлаб чиқариши инженер-технологлари,
юксан ва яси печат ноширлари, контрол ўлчов асбо-
лари ва автоматлари бўйича слесарлар.

ҲАМЗА РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

инженер-конструкторлар, иш таърибаси бўлган электр
цехининг бошлиғи, ремонтчи слесарлар, слесарь-электр
монтерлар, қозғоқ қирқич машиналарига хизмат кўрсату-
чи ишчилар.

ЛЕНИН РАЙОН ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК

ТЕХНОЛОГИЯ БҮРОСИГА

радиоэлектроника бўйича етакчи инженерлар, радио-
электроника бўйича инженер-конструкторлар, ҳажмли
электрон-монтаж, пайвандлаш ослатикасини лойиҳалаш-
тириш бўйича инженер-конструкторлар, схема техника-
лари, механиклар, пайвандлаш ва кошарлаш, рангли ме-
таллар қуйиш, электроразделительларни монтаж қилиш,
трансформаторлар ишлаб чиқариш, юк ортнш-тушириш
ва омор ишлари, босма плиталар тайёрлаш бўйича ин-
женер-технологлар, етакчи инженерлар, етакчи конст-
рукторлар, инженерлар, автоматларни релели муҳобаза этиш,
электр-техника қурилмалари учун металл конструкция-
ларни конструкциялаш, блоклар ва шафалар метал-
л конструкцияларни конструкциялаш соҳасидаги мутаха-
сис конструкторлар, асинхрон электр приводалар микр-
процессорли электроника секторчилари, электр при-
водаларнинг қучилиш электроникаси секторчилари,
программалаштириш секторчилари.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА

МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

- Марказий пункт — Космонавтар проспекти, 6-уй;
- Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
- Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
- Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
- Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй;
- Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
- Қўйбўйе район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
- Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
- Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
- Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
- Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй.



Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-
ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —
21/VI да Майсарнинг иши
(Спектаклнинг фестивал ва-
рианти театр ҳолисида намо-
иш этилади). 20.00 да бошла-
нади.



Кино

21 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САЛЬ-
ВАДОР» (18, 21.00), «ҚРИМ
ЕЗИ ДОИМИЙ ЭМАС» (17,
20.00).

Ватан — «СЕВГИ ҲАҚИДА
ИЛОВАЛИ ХАТЛАР» (17, 19.00),
«САЛЬВАДОР» (18, 18.30).

Лисунов номи — «53-ЙИЛ-
НИНГ СОВУҚ ЕЗИ» (тоқ соат-
ларда).

Дружба — «СЕХРЛИ МЕ-
РОС» (тоқ соатларда), «БАХТ
ИЗЛОВЧИЛАР» (жуфт соатлар-
да).

ЎзССР 25 йиллиги — «ТУН
СУНИДА» (16, 18.30, 21.00),
«ВЛКСМ 30 йиллиги» — «ЭР-
КИН ҚУНИШ» (жуфт соатлар-
да).

Восток — «КУМУШ НИҚОБ»
(жуфт соатларда).
Искра — «53-ЙИЛНИНГ СО-
ВУҚ ЕЗИ» (жуфт соатларда).
Чайка — «ДУСТ» (18.30,
20.00).

22 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР.

Санъат саройи — «САЛЬВА-
ДОР» (12, 15, 18, 21.00), «ҚРИМ
ЕЗИ ДОИМИЙ ЭМАС» (11, 14,
17, 20.00).

Ватан — «САЛЬВАДОР» (11,
13, 30, 16, 18.30).

Лисунов номи — «53-ЙИЛ-
НИНГ СОВУҚ ЕЗИ» (тоқ соат-
ларда).

Дружба — «СЕХРЛИ МЕ-
РОС» (тоқ соатларда), «БАХТ
ИЗЛОВЧИЛАР» (жуфт соатлар-
да).

Восток — «КУМУШ НИҚОБ»
(жу